

Сиз мени тирилтирдингиз, Аллоҳ сизни тирилтирсин



08:00 / 19.03.2020 2517

Аҳмад ибн Осимдан ривоят қилинади: «Суфён Саврий билан Фузайл ибн Иёз суҳбатлашиб қолишди. Суфён Саврий: «Умид қиламанки, шу ўтиришимиз энг баракали мажлис бўлади», деди. Фузайл ибн Иёз унга: «Шундайми? Лекин мен бу мажлисимиз энг ёмон мажлис бўлади, деб ўйлайман. Ахир сиз ўзингиздаги энг яхши сифатларга қараб, мен учун энг яхши сифатингиз билан зийнатланиб олдингиз. Мен ҳам сиз учун энг яхши сифатим билан зийнатланиб олдим. Сиз менга, мен эса сизга қуллуқ қиляпмиз» деди. Бу сўзлардан Суфён Саврий йиғлаб юборди ва: «Сиз мени тирилтирдингиз, Аллоҳ сизни тирилтирсин», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан